

**UDK 37.02**

**Махматқұл Облқосимов**

**“Ижтимоий фанлар” кафедраси үқитувчиси**

**Жizzakh политехника институти**

**Mahmatkul Oblokosimov**

**Teacher of the Department "Social Sciences"**

**Jizzakh Polytechnic Institute**

## **МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР**

**Аннотация.** Мазкур мақолада олий таълим тизимида масофавий таълимни ташкил этиш, унинг ўзига хос жиҳатлари, афзалликлари ҳамда камчиликлари юзасидан изланишлар натижаси баён этилган.

**Калит сўзлар.** Масофавий таълим, масофавий ўкув курслари, электрон ўкув-услубий мажмуа блоклари ва элементлари.

### **DISTANCE LEARNING QUALITY: PROBLEMS AND SOLUTIONS**

**Annotation.** This article describes the result of research on the organization of distance education in the higher education system, its peculiarities, advantages and disadvantages.

**Keywords.** Blocks and elements of distance education, distance learning courses, electronic educational and methodological complex.

Бугун олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг замонавий тизими халқаро миқёсда рўй бераётган воқеа-ходисаларга, хусусан таълимга таъсир этувчи иқтисодий ва ижтимоий омилларга сезгир тарзда жавоб бера олиши кераклигини биз яна бир бор ҳис этдик. Коронавирус пандемияси барча таълим муассасаларида ўкув жараёнини электрон ёки масофавий жиҳатдан фаоллаштиришга сабаб бўлди. Бугун вақтни бой бермаслик, ундан унумли фойдаланиш ва юзага келган вазиятдан чиқиб кетиш учун барча олий таълим муассасалрида масофавий таълим ташкил этилган. Хўш бу вазиятда масофавий таълим қандай ташкил этилиши керак? Биздаги

имкониятлар қандай? Педагоглар ва талабалар бу жараёнга тайёрми? Энг асосийси, таълим сифати қандай бўлади? Уни қандай назорат қилиш ва баҳолаш керак? Халқ таълими соҳасида мазкур жараённи ташкил этиш оммавий ахборот воситалари, яъни телевидение ёрдамида амалга оширилиши юзага келиши мумкин бўлган айрим муаммоларнинг ўз-ўзидан ҳал бўлишига олиб келди. Олий таълим муассасаларида эса турли соҳалар ва йўналишлар бўйича ихтисослаштирилганлик масофавий дарсларни ўзига хос тарзда, яъни автоном ташкил этишни тақазо этади. Бунда қандай муаммолар туғилиши мумкин? Бу ва юқоридаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Бугун масофавий таълимнинг ташкил этилиши уларнинг сифатини баҳолашга шошилинч эҳтиёжни келтириб чиқаради. Масофавий таълим сифатини баҳолаш деганда айрим жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Хусусан, баҳолаш талабалар, ўқитувчилар ёки бевосита мутахассислар томонидан амалга оширилиши мумкинлиги, натижаларни расмийлаштириш автоном ёки тизим орқали бўлиши, индикаторларнинг аниқлиги ва натижаларнинг микдор ўлчами қандай ифода этилишини билишимиз зарур. Аввало, масофавий таълим сифати деганда нимани англамоқ керак? Биз сифат деганда аввало масофавий материал, яъни электрон таълим ресурсларининг давлат ёки профессионал ташкилотлар томонидан тасдиқланган стандартларга мослигини тушунамиз. Масофавий таълим сифати турли омилларга боғлиқ бўлади: масофавий ўқув курсининг сифати, дастурий таъминот ва Интернет тармоғининг сифати, педагоглар сифати, яъни уларнинг педагогик маҳорати, нутқ маданияти, қолаверса талабалар сифати қабилар. Масофавий курс бу шундай таълимнинг тўлиқ дидактик жараёнини ифода этувчи тизим бўлиб, у намойиш, назорат ва мулоқотдан иборат бўлади. Олий таълим учун бу жараён янгилик эмас, чунки барча олий таълим муассасалари хорижий тажрибани ўрганиш асосида кредит-модуль тизимига ўтиш учун тайёргарлик қўриш босқичида

эди. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, масофавий курслар қуидагиларни қамраб олади:

- Ўқув-услубий мажмуалар (фанлар, йўналишлар ва тиллар кесимида).
- Дастурий муҳит, веб-сайт ва электрон ресурслар жойлаштириладиган

- Интернет тизим ёки платформа.

- Интернет сервислар ва Интернетга кириш имкониятлари.

Амалда мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, масофавий таълим сифатини назорат қилишда қуидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- Ташкилий блок.

- Назарий қисми.

- Амалий қисми.

- Назорат қилиш ҳолати.

- Педагогик мулоқот.

Ташкилий блок – видео, матн ёки бошқа электрон ресурсга кириш, талабаларни таништириш манзили (ижтимоий тармоқ ёки форум), курс учун ишлатиладиган дастурний таъминотдан фойдаланиш учун йўриқнома, курсни ўрганиш бўйича услубий кўрсатмалар, курснинг дастури, Интернетдан фойдаланиш этикети, яъни қоидаларининг мавжудлиги.

Назарий қисми – бу фан ўқитувчиси томонидан фан дастурига мос равища ишлаб чиқиладиган маъruzалар, қўшимча матнлар, график ёки чизмалар, тақдимот материаллари. Улар тасдиқланган фан дастурларидағи барча мавзуу саволларни қамраб олиши, уларнинг моҳиятини ёритиш билан бирга тушунарли, қисқа ва лўнда, қўргазмали бўлиши мақсаддага мувофиқ.

Амалий қисми – семинарлар ташкил этилиши, рефератлар, эссе ва бошқаларнинг бажарилишини ташкил этиш.

Назорат қилиш – тестлар, оралиқ ва якуний назоратлар, талаба портфолиоси кабиларнинг шакллантирилиши.

Педагогик мулокот – маслаҳатлар, мисолларнинг намунавий ечимлари, тушунтириш ва талабалар томонидан берилган саволларга жавоб тариқасидаги изоҳларнинг педагог томонидан берилиши.

Масофавий таълим сифатини баҳолашнинг дастлабки босқичида масофавий таълимнинг юқоридаги элементларининг мавжудлигини баҳолаш кифоя. Максимум баҳо элементлар сони билан ўлчанса, масофавий курс баҳоси мавжуд элементлар сони билан ўлчанади. Баҳо эса мавжуд элементлар сонини талаб этилаётган элементлар сонига нисбати орқали аниқлангани маъқул, деб ҳисоблаймиз.

Баҳолаш ўз йўлига, бироқ масофавий таълимнинг плюс (ижобий) ва минус (салбий)лари мавжудигини унутмаслигимиз керак.

Масофавий таълим афзалликлари:

Қулайлиги. Университет ёки институтга бормай, уйда бемалол ўқиш мумкин. Ўз фикрини ёзма равишда ифода эта олиши, дискуссияларда иштирок этиши, мавзуни бир неча бор синчковлик билан ўрганиши, яъни унга бир неча марта қайтиш имкони кабилар.

Тежамкорлиги. Йўл кира ва вақт сарфламай, уйда ва ҳатто ишда шуғулланиши мумкинлиги.

Технологияси. Интернетга кириш мумкин бўлган ҳар қандай жойда, яъни уйдан ташқари автобус, электричка ва ҳоказоларда ЭНГ янги технологиялардан фойдаланиш мумкинлиги.

Бошқа имкониятлари. Талаба факат ўзининг курсдошлари эмас, балки бутун дунёдаги талабалар билан боғланиши, альтернатив материалардан фойдаланиши мумкин ва бунда айрим фаол талабаларнинг “монополияси” мавжуд эмаслиги кабилар.

Ўқитувчилар учун муаммолилиги – ўқитувчи анъанавий таълимга, яъни маъруза, жонли мулокот, тарқатма материалларга ўрганиб қолган

бўлса, у янги технологиялар ва дастурий таъминотдан фойдаланиши муаммо бўлиши аниқ. Бунинг устига ўқитувчидаги кўргазмали, электрон дидактик материаллар тайёр бўлиши ҳам керак.

Таълим сифатини таъминлаш учун электрон ўқув-услубий мажмуа таркибида киртилиши лозим бўлган элементлар таркиби блоклар кесимида қуидагича бўлиши лозимлигини белгилаш мумкин:

Ташкилий блок: 1. Кириш; 2. Ўқув гурӯҳи аъзолари билан таништирув (форум); 3. Дастурий таъминотдан фойдаланиш бўйича йўриқнома; 4. Ўқув курсини ўрганиш бўйича қўлланма; 5. Фаннинг намунавий ва ишчи дастури; 6. Сетикет (интернетдаги аҳлоқ қоидалари).

Хулоса қилиб айтганда, масофавий таълимни ташкил этишда юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда, босқичма босқич камчиликларни бартараф этиб, муаммоларни ҳал қилиш, масофавий таълимдан самарали фойдаланиш юзасидан турли даражадаги чораларни кўриб бориш таълим сифатига олиб келади.

### **Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 24 январь,
2. Салихов С.В. Оценка качества дистанционного курса по информационным технологиям для системы повышения квалификации. Электронный ресурс. 15.09.2014.
3. Андреев А.А. Интернет-технологии и модели обучения в среде Интернет.- М.:МИИК,2013.
4. Ганиев К., Тугунбоев О., Ризаев И. И. Экологические проблемы современного общества и ихрешения //наука и образование: актуальные вопросы теории и практики. – 2021. – С. 601-603.
5. Rizaev I. Synergetics in Social Systems and its Possibilities //Global Scientific Review. – 2022. – Т. 10. – С. 62-69.